

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармонида кўра Бахтиёр Олимжонов Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармонида кўра Жўра Норалиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.
- Пойтахтимизда Марказий Осиёда трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш масалаларига бағишланган халқаро семинар ўз иштини якунлади. Анжуман БМТ ташаббуси билан ташкил этилиб, унда Марказий Осиё республикалари, АҚШ, Буюк Британия, Чехия, Польша, Россия каби давлатлар вакиллари иштирок этдилар.
- Буюк ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби Муҳаммад Тарагай Улўғбек таваллуд тоғлан кунга 606 йил тўлди. Шу муносабат билан республика Киночилар уйида «Улўғбек юлдузлари» мавзuida хотира кечаси бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маънасимнинг ўтган йил 29 июлдаги қарорига мувофиқ, шаҳарлараро, вилоятлараро ва халқаро автотранспорт йўналишлари бўйича очик тендер ўтказилиши маълум қилинган эди. Кеча пойтахтдаги Киночилар уйида ана шу очик тендернинг вилоятлараро биринчи босқинига якун ясалди.
- **Бугун!** Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг мажлис залида Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси мажлисининг бешинчи йиғилиши бўлиб ўтди.
- **Кеча** Ўзбекистон Фалсафа жамияти раёсати қошидаги «Фалсафа фанининг янгилиши муаммолари» бағишланган доимий илмий-назарий семинарнинг «Миллий давлатчилик асослари: мақсад, моҳият функциялари» мавзuidаги ўн учинчи машгулотини бўлди.
- **Эртага** Юнусобод туманидаги Бўсов соҳилида бунёд этилаётган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуиде қурилиш ишларини тезлаштириш ҳамда порлоқ келажакимиз йўлида ўз жонларини фидо қилган аждодларимиз руҳи покларини қўллаб-қувватлаш мақсадида туман умумхалқ хашари ўтказилади.



## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари, республика вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Сурхон воҳасини жанубий сарҳадларимизнинг мустақкам қалқони, дея таърифлади. Ўтган йили «Алпоймиш» дostonининг 1000 йиллиги кенг нишонланганда вилоятни нафақат республикамиз, балки бутун жаҳон қайта кашф этганини қайд этди.

Ўртбошимиз вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, ислохотларни ўтказишда сустакликларга, хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганини таъкидлади. Кейинги йиллар даво-

мида вилоятда пахта етиштириш режаси сурункасига бажарилмай келмоқда, ҳосилдорлик даражаси ҳам тобора пасайиб бораётди. Ўтган йили «занг» касалига чалинган боис ғалла тайёрлаш режаси эллик тўрт фоизга уналланди, холос. Бундай қониқарсиз аҳолининг бош сабаби ислохотлар ўтказишда етарлича қатъиятнинг йўқлиги, тadbirkorликка кенг йўл очилмаётганидир. Бу эса пировард натижада одамларнинг турмуш даражасига салбий таъсир этмоқда.

Президент Ислам Каримов вилоятдаги вазиятни яхшилаш бўйича қурилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида гапирар экан, аввало, кадрлар масаласига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Вилоят ҳокими Ж. Норалиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод этилди.

Президент Ислам Каримовнинг тавсисига кўра депутат-

лар республика Бош вазирининг ўринбосари, кишлок ва сув ҳўжалиги вазири вазифасида ишлаб келаятган Б. Олимжоновни Сурхондарё вилояти ҳокими этиб таъкидлади.

Сессияда сўзга чиққан Шеробод тумани ҳокими А. Лапасов, Термиз Давлат университетининг ректори Н. Туроев, «Аёл ва замон» газетасининг бош муҳаррири Ж. Эргашева, Олий Мажлис депутати, «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири, танкичи ёзувчи Э. Аъзамов вилоятдаги ислохотлар жараёнини жадаллаштириш учун, йўлбошимчи таъкидлаганидек, турли бўғиндаги раҳбарлар, кенг жамоатчилик вакиллари, зиёлилар ҳамжиҳат ва халқ билан ҳамнафас бўлиб ҳаракат қилиши зарурлигини айтдилар.

**Муслимон НАМОЗОВ, Чори ТўХТАЕВ, Ў.А. мухбирлари.**

**СУРАТЛАРДА: сессиядан лавҳалар. А. Туроев ва И. Хўжаев олган суратлар.**

## ЖАҲОНДА

- **Индонезия** Россия сийсий ҳаётида муҳим воқеа — Президент сайлови бўлиб ўтди. Номзодлар рўйхатидан ўндан ортик йирки ишбилармондан тортиб, танкичи сийбатчиларгача ўрин олган. Ушбу сийсий беллашувда ким гўлиб чиқишини сайлов натижалари кўрсатади. Бироқ шуну айтиш керакики, сайлов арафасида ўтказилаётган сўрвалар натижасига кўра, Россия Президенти вазифасини бажарувчи В. Путиннинг бўлажақ сайловда ютиб чиқиш имконияти жуда баланд. Айни пайтда Россияга Президент сайловининг боришини кузатиш учун хорижий кузатувчилар келиши давом этмоқда.
- Берлинда Ўзбекистон Республикасининг элчixonаси ва Дунё халқлари маданияти саройи раҳбарияти ҳамкорлигида Наврўзга бағишланган байрам кечаси ўтказилди.
- **Кеча** Тожикистонда хизмат қилаётган бир гуруҳ рус чегарачилари Россия Президенти учун овоз беришди.
- Козогистон Республикаси пойтахтида «Тантаналар саройи» очилди.
- Киргизистон ҳукумати энергетика бўйича янги дастур тайёрлашга киришди.
- АҚШ Президенти Билл Клинтон Ҳиндистонга сафари вақтида ушбу мамлакатни ядровий дастурдан воз кечишга чакирди.
- Лиссабонда Европа Иттифоқи давлатларининг навбатдаги саммити бошланди.
- Пхеньянда 4-8 апрель кунлари Шимолий Корея ва Япония ўртасида ўзаро муносабатларни қайта тиклаш юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.
- ЮНИСЕФ ташкилоти жорий йилда Шарқий Тиморга 10 миллион АҚШ доллари ажратишга қарор қилди.
- **Индонезия** Лос-Анжелесда Америка киноакадемиясининг «Оскар» мукофоти билан анъанавий тақдирлаш маросими ўтказилди.
- **Кеча** Тожикистонда парламентнинг Олий палатаси учун сайловлар бўлиб ўтди.
- Дунёдаги энг хавфли музейлардан бири Афғонистонда тугатилди. Бу музейга экспонат сифатида бомбалар, минаяр, турли хил ўқ-дорилар, ракеталар, шунингдек, қўлбола портловчи ускуналар қўйилган эди.
- Степанакертда Тоғли Қорабоғ Президенти А. Гукасян ҳаётига суиқасд қилинди. Кечаси унинг машинаси икки автоматчи томонидан ўққа тутилди. А. Гукасян обидан яраланди. Унинг ҳаёдовчиси ва соқиси эса оғир яраланди.
- Испания пойтахтидан 50 километр узоқликда — Гвадалахара шаҳри яқинида ҳарбий транспорт самолёти қулаб тушди. Хабарларга кўра, ҳалокат оқибатида 7 нафар ҳарбий ҳалок бўлган. Ҳожижага кучли шамол ва ёмғир сабаб бўлган, деб тахмин қилинмоқда.
- Нигериянинг Ошитша шаҳри яқинида ёнилғи ташувчи автомобиль халокатга учради.
- Ўзбекистонлик Руслан Хинчгов Японияда ўтказилган эркин кураш бўйича беллашувларда ўз вазн тоғлигида бешинчи ўринни эгаллади ва жами тўпланган очколари бўйича биринчи поғонага кўтарилиб, Олимпия ўйинларида катнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.
- Жаҳон футбол уюшмалари ассоциацияси (ФИФА) мамлакатларнинг навбатдаги рейтинг жадалини эълон қилди. Унда Бразилия миллий терма жамоаси 808 балл тўпланган ҳолда ўз йиллардан буюн биринчилигини қўлдан бермай келаятганлиги маълум бўлди. Иккинчи ўринни эса сўнгги жаҳон чемпиони Кубогини қўлга киритган Франция футболчилари эгаллаб туришибди. Фут-

### Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳаракатида

## АМАЛИЙ ТАДБИРЛАРГА АСОС БЎЛАДИ

**Бўш ётган ишлаб чиқариш майдонлари ва бекор турган жиҳазлардан омиқорлик билан фойдаланилгани, кичик тadbirkorликда моддий ресурсларга йўл борми, хўсулсий фирмаларни текширишлар сони камаймоқдами? Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида кичик ва хўсулсий тadbirkorликни ривожлантириш рағбатлантириш бўйича шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгашининг ишчи гуруҳлари аъзолари билан тadbirkorлар ўртасида ўтказилган учрашув чоғида ана шу ва бошқа кўника саволларга жавоблар изланди.**

Учрашувни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгашининг раиси Айтҳамдон Миржалолов олиб бори.

Бўлиб ўтган мулоқот бир томонлама ўтгани йўқ, балки унинг амалий руҳланилигидан кичик тadbirkorлик ишини енгиллаштиришга қаратилган шарт-шароитларни яратиш борасида бир қатор қадамлар қўйилаётганини аён бўлди.

Жумладан, кўпгина тadbirkorларни бўш ётган майдонларни ижарага олиш имкониятларини янада кенгайтириш ва мақсадлар турли курс ва мактаблар ташкил этилиши ва улар фаолият кўрсатмоқда, семинарлар ва тренинг-

лар ўтказилмоқда. Шаҳар ҳокимлиги, Хўжалик суди билан биргаликда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси навбатдаги семинарни ўтказди. Семинар хўжалик шартномаларини тузиш ва уни ижро этиш мавзuida бағишланди.

Учрашувда шунингдек, хом ашё ва фонд ресурсларига эришиш масалалари, тadbirkorларнинг кредит берадиган тизимлар билан, солиқ идоралари билан ўзаро муносабатлари муҳокама этилди, нарх, юкни элтиш ва коммунал хизматларга ҳақ тўлаш, кўрғазма ва ярмаклар ишини ташкил этиш муаммолари ҳам кўтарилди.

Шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгаши ишчи гуруҳлари аъзоларининг шаҳар тadbirkorлари билан учрашув жадалини ишлаб чиқди. Шу ой охиригача «думалоқ стол» атофига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, халқ истеъмол бююмларини ишлаб чиқарадиган, транспорт хизмати, қурилиш билан машгул бўлган кичик тadbirkorларни тўплаш кўзда тутилган. Учрашув шитроқчиларининг билдирган тақлиф ва мулоҳазалари тadbirkorлар иши учун шарт-шароитларни яхшилаш учун амалий тadbirkorларни қабул қилишга асос бўлади.

(Ўз мухбиримиз).

### Хабарингиз борми?

## БЕПУЛ ХЎҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

**Юртимизда фуқароларнинг хўқуқий билимларини ошириш, уларнинг ўз ҳақ-хўқуқларини тегили ақдлашлари борасида кенг миқёсда ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент Давлат юридик институти қошида очилган талабалар бевгаз хўқуқий маслаҳатхонаси ҳам ана шу мақсадни кўзлайди.**

Мазкур хўқуқий маслаҳатхона малакали адвокатлар ёки юрист-маслаҳатчилар иллагча кўриб етмайдиган, бал таъминланган фуқароларга бепул юридик маслаҳат беради. Маслаҳатхонанинг фаолияти юридик факўльтетнинг ўқув дастури билан узвий боғланган.

Пировард мақсад — зарур юридик ёрдамга мўytoж бўлган ижтимоий гуруҳлар манфаатлари раши ҳимоя қилиш, шунингдек, талабаларга ҳўқуқшунослик фанининг хўлқий тамойилларини чўкур ўргатиш, уларда касбга доир амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Мазкур хўқуқий маслаҳатхонанинг олий ўқув юртида юридик факўльтетларнинг ўқув режасига киритилгани ушбу ўқув даргоҳлари талабаларини билим савиясининг сифат жиҳатдан яхшиланишида ҳамда талабаларнинг ўқув жараёнида олган назарий билимлардан иш фаолиятида амалий фойдаланишларида муҳим омил бўлади.

Бегараз хўқуқий маслаҳатхона шаҳар марказида, ТДЮИ ўқув биносининг биринчи қаватида



**2000**  
 Ўзбекистон тўққизинчи миаллий чемпионати билан бугун

Ўтган кун «Пахтакор» ўз майдонида Фарғонанин «Нефчи» жамоасини қабул қилди.

Таркибида Абдусамод Дўрмонов, Сергей Ни, Умид Исоқов, Равайн Маталиев каби истеъдодли футболчилари жаллаган меҳмонлар ўйин бошидан то якунлан-

## БИРИНЧИ МАҒЛУБИЯТ

гунга қадар майдонда устунлик қилишди. Лекин пахтакорчилар бахтига баъзида Руслан Аҳмедханов, баъзида ҳимоячилар меҳмонларнинг кескин ҳўқуқларини баргарав қилиб туришди. Тан олиш керак, агар фарғоналиклар ўзлари уюштирган ҳўқуқларнинг локал 50 фозидан унумли фойдаланганларида натижа «Пахтакор» учун анча кўнгилсиз тугаши мўқаррар эди. Чўнки биргина Анвар Бердиевнинг ўзи неча бор қулай имкониятдан фойдалана олмади. Пахтакор-чилар ҳам иккинчи бўлимда ўйинда бурилиш ясамага ҳаракат қилишди. Аммо, маҳорат етишмаслиги панд бердики, жамоамиз ўйини ҳадеганда қовушмади. Футболчилари эгаллаб туришибди.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидаги ақуланди: «Металлург» — «Хоразм» — 3:1, «Трактор» — «Турон» — 2:1, «Сўғдиёна» — «Насаф» — 0:1, «Гўлистон» — «Сурхон» — 0:3, «Семурғ» — «Анджон» — 1:2, «Дўстлик» — «Бўхоро» — 2:0, «Кимёгар» — «Қизилқум» — 1:2, «Навбахор» — «Самарқанд-Динамо» — 2:0, «Текнитўғчи» — «Зарафшон» — 4:1.

Учинчи тур учрашувлари 29 март куни ўтказилади.

**Ақбар ЙўЛЧИЕВ.**

**Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда Тошкент шаҳри Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамкорлигида «Миллий мафкура тарғиботи»нинг доллар муаммолари мавзuisида бўлиб ўтган давра суҳбатиде бугунги кунда тасарадио ва матбуот орсаларида миллий мафкуранинг тарғиботи қай даражада эканлиги хўсусида гапирилди.**

Давра суҳбатиде иштирок этган республика Маънавият ва маърифат кенгаши масулу қотиби Аслидин Болиев, республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов, филология фанлари номзоди Раҳмон Қўчқор, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сийсий жамагмаси ҳамраиси, «Хурия» газетаси бош муҳаррири Хуршид Дўстмуҳаммад, филоло-

гия фанлари номзоди Зуфриддин Исомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти докторанти Эргаш Очи-

### Маънавият

## МИЛЛИЙ МАФКУРА ТАРҒИБОТИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

говуси кўринмас даражадалиги айтиб ўтилди. Газета саҳифаларида замон талаби, кўпроқ бугунги кун нафаси уфуриб турувчи мақолаларни бериб бориш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Хар бир ижодкор — хоҳ у телевидение ходими бўлсин, хоҳ у радиоидея ишласин, хоҳ у газетанинги мухбири бўлсин, ўз ишини пишиқпурта ўрганиб, сўнг оммага тақдим этсин, деган фикрлар билдирилди.



# ОДАМ ОЛИШ ОҚШОМИДА

Ховли тўйлари

## ЯНГИ УЙЛАРДА ШОДИЁНА



Хар йилдадек бу йил ҳам қўлаб ҳамшаҳарларимиз янги уйлارга кўчиб кириб ховли тўйларини нишонламоқдалар.

«Жанубгазурилиштрести» очик акционерлик жамиятининг мохир бўндорлари томонидан қуриб битказилган беш қаватли бино 20 хонадонга мўлжалланган. Бу уйлар Содик Азимов 2-тор кўчасидан жой олган. Хонадон соҳиблари айна вақтда Наврўз шодиёнаси-

ни ва ховли тўйларини ўтказишга ҳозирлик қилишмоқда. Қурувчилар дастлабки биринчи уйни тахт қилиб қўйишди.

— Биринчи уйни қуриб битказишимиз анча жадал олиб борилди, — дейди бош муҳандис Қадимбой Абдуллаев. — Сабаби қурилиш материаллари вақтида етказиб

берилаётди. Бундан ташқари об-ҳавонинг куруқ бўлиб, ёгингарчилик бўлаётгани бизга кўл келмоқда. Шунингдек қурувчиларимиз кўп соҳа эгаси ҳамдир. Шундан бўлса керак, тиклаш, пайвандлаш ва пардоз ишлари узлуксиз давом этмоқда. Биз бир нарсадан мамнунмизки, бюрократларимиз «Узтрансгаз» уюшмаси ходимларининг қалби қувонча, шодликка тўлиб байрамни янги уйда нишонлашди. Уйнинг лойиҳачилари «Тошгирогор» бўлиб, жуда чиройли ва бежиримдир. Уйларнинг барчаси пишган ғиштдан. Апрель ойи охириларда яна шундай уйдан биттасини қуриб битказамиз. Учинчи уй эса йил охиригача ўз эгаларига топширилади. Қарабиски, 60 хонадонга мўлжалланган уйда ҳамюртларимиз кўшалок байрамларни нишонлаётганларидир. Биз уларга янги хонадонга кўчиб киришдек қувончни улашаётганимиздан гоёт мамнунмиз.

Жамоамиздаги 54 нафар қурувчи бор маҳорат ва ишқошларини сарф этиб, қалб кўри — бутун меҳри билан меҳнат қилишаётди. Айнакиса, Акбар Сапаев бошчилигидаги комплекс бригада, ғишт терувчи Фарход Салаев, кранчи Гулс ара Нурибоева, уста Баҳодир Рўзимов ҳамда ёрдамчи пудратчи «Инвестқурилиш» кўшма корхонаси бўндорлари янада фаол ишлашмоқда.

**Дилобар МҮМИНОВА.**  
**СУРАТЛАРДА:** (чапдан ўнгга) ғишт терувчи Фарход Салаев, иш боши Руслан Ботиров, дуравадор Фахриддин Қурашбоевлар учинчи уй лойиҳасини кўздан кечиришмоқда; биринчи уйнинг олд кўрнини.



## ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН

Шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлани давом эттаётган шу кезларда маҳаллаларимизда ҳар кун тозалани ва кўкаламзорлаштириш ишлари кўзин олиб борилмоқда. Худди мана шундай ишлар Мирзо Улуғбек туманидаги Фирдавсий маҳалласида ҳам амалга оширилмоқда.

— Йил бошидан Фирдавсий ва «Нур» маҳаллалари бирлаштирилиб юборилди, — дейди маҳалла оқсоқоли Масариддин Холмуродов. — Эндилдики маҳалламизда истиқомат қилувчилар сони 4 мингга етди. Бу — 24 та баланд қаватли уйларида яшовчилар демекдир. Айна вақтда маҳалламиз худудидан ўрин олган 2 та мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув муассасалари, ташкилот ва корхонадан бахорий кайфият билан иш юритиб, кўча, йўлак ва уйлар атрофини озода

қилиб тозалаб, даракларга ишлов бериб, таглларини оқлаб қўйишди. Баҳорда нишонланаётган тадбирларимизда онахонлар, опа-сингилларимиз улуғланиб, янги очилган «Нур» ресторан-койхонамизда бир пиёла чай устида ҳамсуҳбат бўлишди. Қурбон ҳайити кунини ёш қолган қариялар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ҳолидан хабар олди. Наврўз шарофати билан аввалига халим тайёрланди, сўнг суммалак, кўк сомсаю-кўк чучваралар

Ободонлаштириш ойлуги

тайёрланиб турли авлод вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Бу ишларни амалга оширишимизда энг аввало аёллар, тадбиркорларимиз, барча катта-кичик бирлашиб, ҳамфикр бўлганлигимиз боис ҳамма ишни рисоладагидек амалга оширдик. Энг қувончлиси барча ишларни тугатиб бўлган, маҳалламизда истиқомат қилувчи санитаркорлар, шовирлар ва ёзувчиларимиз ўз ижодларидан баҳраманд этишганлари чарчоғимизни ёзиб, бахридилтимизни очиб юборди.

Энди олдимиизга қўйган мақсадимиз 2000 — Соғлом авлод йилда келажак авлодимиз ҳар томонлама баркамол, етук ва истеъдодли, соғлом бўлиши учун алоҳида режалар белгилаб қўйди. Бунда энг аввало кўпроқ масъулият ота-оналарга, мактаб ўқитувчиларига, поликлиника мутаассадларига қаратилади. Шундай бўлсада, барча режалаштирилган ишларимизни ҳамжиҳатликда олиб бориш асосий мақсадимиздир.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

## САВОБЛИ ЮМУШЛАР

— Хонадон кўрки остонадан дегани, биринчидан оила аъзоларининг мазмунан улуглани бўлса, кейин уй-жойларининг озодлиги ва байлиги турмуш саранжомларида, — деб сўз бошлади «Исломобод» маҳалла фаоли Абдуқадир Мажидов.

Дарҳақиқат, шаҳримиз бағрига кириб боришдаги қадимий Кўкча даҳасидаги «Исломобод» маҳалласи ўзининг саранжомлиги, кўчаларининг озодлиги билан киши эътиборини ўзига тортади. Шаҳримизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга доир икки ойлани, яъни озодлик ҳаракати маҳалла фаоллари йиғилишида муҳокама этилиб ҳар бир кўча бошлиғига аниқ вазифалар юкланди. Эртаси кундан бошлаб маҳаллада ишлар жонлиниб кетди. Биз С. Муталибов, С. Исमतов ва Р. Фаيزий кўчаларини айланганимизда хонадон олдлари сўпуртилган, ерлар чопилаётганини кўрдик. Р. Фаизий кўчасидаги 59-уйда яшовчи Қарамонов она Марҳамат ая ва оталари Жалил ака Мавлонов бошчилигида уй олдидаги ташландик жойни обод қилиб 200 туп кўчат — терак даракти экишатирилганлиги қуриб қувондик. Кўча бошлиқлари Қосим ака

Йўлдошев, Қудрат ака Тиллаев, Абдулазиз Абдураулов, Фозил ака Бўтаевларнинг маҳаллада тозалик ва кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор бераётганликлари бундай тадбирлар инсон кайфиятининг яхши бўлишида, соғлом нафас олишида катта аҳамият касб этади.

Маҳалланинг кўркини тушираётган кўчалар ҳам йўқ эмас. Афсуски Гулистон, Бехбудий кўчаларидан юганимизда қўлга супурги ёки белкурак ўшлаб савоиб ишлар қилаётганларни кўрмадик.

(Ўз муҳбиримиз).

## ЯХШИЛИК — УМР НАҚШИ

Мурувват

Ўзбекистон азадан меҳри дарё, саховатпеша, инсонпарвар кишилар юрти сифатида доврү қозониб келади. Одамийлик, мурувват, шафқат, саҳийлик каби тушунчаларнинг халқимиз орасида ҳамиша қадри баланд эканлиги бежиз эмас. Албатта. Айниқса, бировнинг бошига кўлфат тушганда мадад бериш, оғир дамларда ўзгаларга ҳамдард бўлишга интилиш — юртдошларимизнинг ажойиб маънавиятидан далолат беради.

Хар бир инсон учун сихат-саломатлик, бардам-бақувватлик гоёт катта бахт, катта бойлик. Бирок, «иссик жон» деганларидек, айниқса, одам бирон дардга чалинса ёки бошига ташвиш туша ўзгаларнинг илик муносабатига, ширин сўзига муҳтож бўлиб қолар экан.

Шайхонтоҳур туманидаги Зангиота маҳалласида истиқомат қилувчи Жумагул Тўлагановнинг бошига ҳам шундай кунлар тушди. Турмуш захматлари, беш нафар фарзандни едириш-ичириш, тарбиялаш ташвишлари билан андармон Жумагул опа оғир калсалikka чалиниб қолди. Бир йил давомида кўп азоблар чекди. Охир-оқибат дардини жарроҳлик йўли билан даволаш зарурлиги аниқланди.

Тошкент шаҳар перинатал маркази томонидан Жумагул Тўлагановага гоётда катта ёрдам кўрсатилганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Зеро, бу даргоҳда кам таъминланган, алоҳида кўмакка муҳтож беморларга астойдил ғамхўрлик қилинади. Айниқса, марказ директори Улуғбек Нурамов муҳтож кишиларга керакли тиббий муолажаларни амалга ошириш, дори-дармон билан таъминлашга доимо алоҳида эътибор қаратади. Беморлардан ширин сўзини, илик муомаласини сира аямайди, уларни имкон қадар қўллаб-қувватлашга интилади.

Оғир аҳволда шифохонага келтирилган Жумагул Тўлагановага дарҳол зарур тиббий муолажалар кўрсатилиб, дори-дармонлар берилди. Марказнинг гинекология бўлими бошлиғи, даволувчи шифокор Салоҳиддин Мўминов, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мунира Асатова томонидан бемор операция қилинган, Жумагул Тўлагановнинг саломатлиги тиклана бошлади. Шифокорлар белгилаган муолажалар, дори-дармонлар билан узлуксиз таъминланиб турилганилиги, Мунира Хўжаева, Маргарита Аббаева каби кўли енгил, сўзи малҳам ҳамшираларнинг доимо парвона бўлишганлиги туфайли беморнинг тезда оёққа туришига имконият яратилди. Перинатал марказ жамоасининг беғараз, инсонпарварлик ёрдами туфайли беш фарзанднинг онаси уйига соғ-саломат қайтди, хонадонда яна ошшайхалик, шоду хуррамлик қарор топди.

Яхшилик — умр нақши, дейдилар. Халқимиз саломатлиги йўлида туну кун заҳмат чекиб, фидокорона меҳнат қилаётган шифокорларнинг умрларини ҳам юкоридаги сингари эзгу, беғараз ишлар беэши шўбҳасиз. Саховатпешалик, меҳр-мурувват ҳамиша ҳар соҳада ўзига хос савобли амалларнинг бажарилишига йўл очаверади.

Умида МИРСОДИҚОВА.



Саховат

## БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ

Умрбоқий Наврўз шодиёнаси шаҳримиздаги 21, 23, 24, 30-Мехрибонлик уйларида ва 104-интернатда кўшалок байрамга айланди.

— Юртбошимизнинг ташаббуслари билан давом этаятган болаларга ғамхўрлик ҳамма жойда ҳукм сузмоқда, — дейди шу даргоҳ раҳбари Гулнара Халирқонова. — Даргоҳимизда 211 та бола (7 ёшдан 16 ёшгача) тарбияланади. Тошкент шаҳар хожими Қозим Тўлаганов йил бошида «Отайў» автобусини ҳада этдилар. Бу меҳр-мурувват ва саховатдан бошимиз кўкча етди. Юртимиздаги қалби булук, мурувватли инсонларга барча тарбияланувчиларимиз номидан некисиз миннатдорчилигимизни бил-

дирамиз. Болаларимизга берилган кўшом-шим, кўшом-юбка, ва идишлар янги кун, яшаришнинг бир тимсоли сифатида барчамизга бир олам қувонч бахш этди.

Мехрибонлик уйида айна Наврўз кун болалар иштирокида тайёрланган сумалакнинг тортиқ этилиши ҳам жуда қувончли хол бўлди. Байрам шодиёнаси арафасида Мехрибонлик уйи боғи таъмирланди. Боғбон ота тарбияланувчилар билан 45 донна мевали даракт кўчатларини ўтказишди. Бундан мақсад болаларда она табиатга, Ватанга меҳр уяйтишидир.

Гулзода МАМБЕТОВА.

СУРАТЛАРДА: 30-Мехрибонлик уйида бўлиб ўтган шодиёнадан лавҳалар.

Сергей Любич олган суратлар.



Қатрала

## ХОСИЯТЛИ КҲН

Гулсанам бекатда анча туриб қолди. Соатига қаради. Олти ярим. «Автобус кетиб бўпти, шекилли...» Сўрай деса ён-верига ҳеч ким йўқ. Онаси эрталаб «Барвақроқ йўлга чиқ», дея тайинловди-я. Келаётиб синфдоши Нигорани учратиб қолмаганда-ку, шу пайт бувисиникида ўтирган бўлармиди. Анчадан бери кўришишмаганди, икки ўртоқ мириқиб суҳбатлашишди. Дугонаси билан тапи чўзилиб кетиб, мана энди автобусдан қолиб ўтирилди.

Атрофга қоронғулик чўка бошлади. «Уйга қайта қолсаммиким», дея ўйлади Гулсанам ташвишланиб. Эссиз, тугунчасидаги иссиққина сомсаю, бугун наҳорда сузилган сумалак бувижонига наҳиб эътийдан бўлди-да. Аттанг, онасиям ранжийди энди...

Қиз бекатдан узоқлашаркан, сал нарида бир машина «ғийқ» этиб тўхтади.

— Гулсанам!  
Таниш овони эшитиб, қиз кескин ўтирилди. Машина эшиги ёнида болалик ўртоғи Салима қулиб турарди. «Нима қилиб турибсан бу ерда?» деди дугонаси унга яқин келиб. «Бувимникига бормоқчийдим, автобусдан қолиб кетдим», деди бўшашибгина қиз. «Биз ҳам ўша томондаги маҳаллага боряпмиз. Сени бувинларникига ташлаб ўтамиз, юрақол...» Гулсанам енгил тортиб, дугонаси ортидан юрди.

— Бу гал менсиз бора қолинглар, қизлар!  
Дугоналари ажабланишди. «Ахир сайилдан ҳам бош тортадимки, киши. Юр, бирпас ёзилиб келсан, у ёқда!» Нилу хўп легандек, бош иргалди. Ахир дугоналари унинг аҳволини қайсқан билсин. Ҳатто турмушдошига ҳам айтолмади. Бир неча кундан бери унинг кўз олди қоронғулашади. Тандирда ёпилган буғлоя нонига кўнгли сует кетади. Қишлоғига бориб келай деса, йўл узоқ. Бу ёқда илора иши... Кеча тушида онасини кўрибди, тандирдан нон узаятганмиш. Уйғониши биланоқ ўйлади. «Тушда нон кўрса нима бўларкин. Ҳар ҳолда яхшилик бўлса керак!»

Сайилдан ҳориб-чарчаб қайтишди. Нилуфар уйга киргач, қорни очганини сездди. Ахир тоза ҳавода кўп юришди-да. Чойдих тагига ўт ёқди, нон идишини очдию, негадир яна ёпиб қўйди. «Тегирмон унида ёпилган нон бўлсайди...» Бўшашиброқ ўтириб қолди. Қўзи илтанган экан, эшик кўнгиригидан чўчиб тушди. Шовиб бориб очди. Онаси! Остонада ҳорин жилмайиб турарди. Нилуфар унинг кучоғига ўзини олди. Шу қўйи дийдорлашишди. Сўнг қиз олиб-югуриб дастурхон ясатди, чой дамлади.

— Отанг «Бугун байрам кунда узоқ йўлга чиқсанми, эрта-индин борарсан», дедилар. «Бугун боргим келяпти, отажонисин», дедим. Кейин кўндилар. Ўзим, қўзимга кўринавердинг, кечалавердинг. Раҳматли бувинг «Наврўз хосиятли кун, шу кунни нимани ниёт қилсанг, ижобат бўлади, кимни кўринг келса, юз кўришсан», дердилар. Мана, сени кўриб, чарчогим ариди, қизим...  
Онаси гапира-гапира қишлоқдан олиб келган катта тутунни очди. Ундан бир даста тандир нонини олиб дастурхонга қўйди. Хонага нон иси ёйилди. Нилуфар кўзларини юмиб, ширин энтикди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.



Бир одамнинг ўғли ишқмас чиқди. Ота фарзандини меҳнатсеварликка ўргатиш пайига тушди. «Ўз кунингнинг ўзинг кўртин», — деди ўғлига. У эртаси иш ахтариб кетди, леким меҳнатта бўйни ёр бермай, кечгача саланглаб юрди-да, кечкурун бўшашиб уйга қайтди. Бечора онаизор раҳим келиб, унинг қўлига бир танга тутқазиб: «Отанга бер», — деди. Отаси олиб, тангани ёниб турган ўт ичига олди. Бола пинганини бузмай ўтираверди. Бу воқеа иккинчи кун ҳам такрорланди. Учинчи кунни бировағ мардикор тушди, кечгача қора терга ботиб ишлаб, атини бир танга топди. Тангани кўярга жой тополмай, хурсанд бўлиб уйига келди.

Отаси унинг бу тангасини ҳам олди-да, ўчоққа улоқтиригандай бўлди. Қараса, фарзанди ўзини оловга урмоқчи, тангани олмақчи. Шунда ота:  
— Ҳай, ҳай, тўхта,

хушли қиз ахтарар эди. У ўғлини ўзи билан олиб юрди, уни гоҳ гузарда, гоҳ бозорда, ишқилиб одамлар гавжум жойларда қаттиқ койир эди. Одамлар: «Ўғлингиздан нега хафа

айтганингизни қилдию айтмаганингизни қилмайди», — деди.  
Ота билан ўғилга бу қиз ёқди. Ота совчи юбориб, шу қўзи ўғлига олиб берди.

## Ибратнома ХИКОЯТЛАР

ўчоққа тош отдим. Мана пулинг, — дея тангани ўғлига қайтариб берди. — Ана кўрингани, — деди ота гапига давом этиб, — пешона тери билан топилаган нарас шундай азиз ва қадрли бўлади.  
— Ақлингга балли, қизим, — деб орқасидан ҳавса билан қараб қолибди.  
Дилором ИКРОМОВА тайёрлади.

буляписиз?» деб сўрасалар: «Ўғлим айтганимни қилди», — деб жавоб берар эди. Бошқалар ҳайрон бўлиб: «Ўғлингиз яхши экан, айтганингизни қилар экан», — дердилар.  
Кунлардан бирида ота яна ўғлини уришиб турган эди, бир қиз: «Урининг, койинг, қачонгача

Бир ёшгина қизча кўшинисиникидан чўғ сўраб чиқибди.  
— Олақол, қизим, леким курақчанг йўқ-ку, қандай қилиб олиб кетсан? — дебди қўшини кампир.  
— Рухсат бўлса бас, у ёғи осон, — дебди қизча. Қизалоқ қафига қул ёзиб, устига чўғ қўйиб, бемалол кетаверибди. Шунда қўшини:  
— Ақлингга балли, қизим, — деб орқасидан ҳавса билан қараб қолибди.



